

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ
А Ж Р И М И**

2022 йил август ойининг 30 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья: С.Махаметов, ҳайъат судьялари: Х.Шамшиев ва М.Тургуновадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси У.Норбоевнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, жабрланувчи Ш.Исхакова, судланувчи Д.Рахматуллаев ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат М.Хамраевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2022 йил 28 июлдаги ҳукмига кўра,

Рахматуллаев Даврон Равшанович (Raxmatullayev Davron Ravshanovich), 1988 йил 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2013 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2014 йил 22 июлдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жазодан 2015 йил 6 февралда ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, жазо муддати ўталган;

2) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 3 ой 15 кун озодликни чеклаш



жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, жазо ўталмаган;

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, "Ўзгариш" МФЙ, Наврўз кўчаси, 10а-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 13-июль кунидан қамоқда сақланаётган, айблов далолатнома нусхасини 2022 йил 19-июль кuni олганга нисбатан

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи Д.Рахматуллаевнинг адвокати М.Хамраев томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, Д.Рахматуллаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида, 8.100.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Д.Рахматуллаевнинг 2022 йил 13 июлдан 2022 йил 28 июлга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорини иккидан бир қисмига тенглаштириб, 15 кун қамоқда сақланган муддати учун 2.025.000 сўм жаримани чегириб ташлаб, узил-кесил 6.075.000 сўм жарима жазоси қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 6 февралдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган жазоларни ўталмаган қисмини тўлиқ қўшиш йўли билан Д.Рахматуллаевга 1 йил 3 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси ва 6.075.000 сўм жарима жазоси қолдирилган.

Рахматуллаев ДавронРавшанович ўғли зиммасига:

-Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, "Ўзгариш" МФЙ, Наврўз кўчаси, 10а-уйдан сутканинг соат 22.00 дан 06.00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиш чеклаш;

- яшаш жойини ҳукмнинг ижросини назорат қилувчи орган рухсатисиз ўзгартирмаслик;

- Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

- гиёҳвандлик моддалари, кучли таъсир қилувчи моддалар ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилмаслик каби таъқиқлар белгиланган.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳига юклатилган.



Жазо муддати маҳқум Д.Рахматуллаев Сирғали тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Д.Рахматуллаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилган.

Жабрланувчи Ш.Исхакованинг Д.Рахматуллаевга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинган.

Д.Рахматуллаевнинг ҳаракатлари натижасида жабрланувчи Ш.Исхаковага етказилган қўшимча моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.Рахматуллаев маст ҳолда 2022 йил 8 март куни соат 20:00 ларда Сирғали тумани, Сирғали 2 мавзеси, 2-уй, 19-хонадонда бўла туриб, турмуш ўртоғи Исхакова Шохиста Файзуллаевна билан ўзаро гап талашиб, тортишиб қолиши натижасида, Ш.Исхакованинг бошига ва танасининг турли жойларига қўллари билан қасддан зарба бериб, Ш.Исхаковага енгил тан жароҳати етказган.

Суд-тиббийет экспертизасининг 11.03.2022 йил 11 март кунидаги №210-Ҳ-Якуб-сонли хулосасига кўра, Ш.Исхакованинг танасида “юқори жағ чап томондан 5-тишнинг тўлиқ травматик чиқиши, юқори жағ ўнг томон 3-тишнинг травматик ярим чиқиши, пастки лаб соҳасида эзилиб йиртилган яра, бош энса, пастки лаб, ўнг елка, чап биллак кафт бўғими соҳаларида қонталашлар.” каби жароҳатлар аниқланиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа 6 кундан кўп, 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келиш белгисига асосан, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “енгил” тан жароҳатлари туркумига кириши кўрсатилган.

Апелляция шикоятда адвокат М.Хамраев, туман судининг ҳукмидан норози эканлигини, Д.Рахматуллаевнинг муқаддам тайинланган жазони ўтаб бўлинганлиги ҳамда жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинмаганлигини, суд томонидан ЖКнинг 60-моддаси билан жазо тайинлашда, муқаддам тайинланган жазони тўла ёки қисман қўшиши ҳамда енгилроғи оғирроғи билан қопланиши талабларига риоя қилинмаганлигини, судланувчининг оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини эътиборга олиб, Д.Рахматуллаевга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазонинг енгиллигини оғирроғи билан қоплаган ҳолда жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанция суди, иш бўйича судья М.Тургунованинг маърузасини, прокурор С.Акиловнинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, жабрланувчи Ш.Исхакованинг келтирилган



шикоятни рад қилиш ҳақидаги фикрини, судланувчи Д.Рахматуллаев ва унинг адвокати М.Хамраевнинг апелляция шикаятини қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан ҳукмни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди, иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланувчи Д.Рахматуллаевнинг юқоридаги жиноятларни содир этганликдаги айби, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизасининг хулосаси, Сергели туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси маълумотномаси, ҳодиса рўй берган жой фотосурати, гувоҳ У.Исхақовнинг сўроқ қилиш баённомаси, Д.Рахматуллаев ва Ш.Исхақовалар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, гувоҳ Х.Нуритдиновнинг сўроқ қилиш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб топади.

Апелляция инстанция суди адвокат М.Хамраевнинг шикаятидаги, Д.Рахматуллаевнинг муқаддам тайинланган жазони ўтаб бўлинганлиги ҳамда жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инobatга олинмаганлигини, суд томонидан ЖКнинг 60-моддаси билан жазо тайинлашда, муқаддам тайинланган жазони тўла ёки қисман қўшиши ҳамда енгилроғи оғирроғи билан қопланиши талабларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги важини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 44-2-моддасига кўра, озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Иш ҳужжатларга кўра, Д.Рахматуллаев муқаддам жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазосига судланган бўлиб, жазо Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИО ФМБ Пробация хизматига 2020 йил 29 февраль куни ҳисобга қўйилган ва жазо ўташ тартиб-қоидалари билан таништирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида назарда тутилган "Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш" Жазодан озод қилишнинг тури ҳисобланди.



ЖКнинг 73-моддасига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Д.Рахматуллаев жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 3 ой 15 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, жазо ўталмаган.

ЖКнинг 60-моддасига асосан, агар маҳкум ҳукм чиқарилгандан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бундан ташқари, жабрланувчи судланувчига фарзандларини отаси бўлганлиги сабабли даъвоси йўқлигини, моддий даъвони ундиришдан воз кечишини, бироқ ярашмаслигини ҳамда қонунда назарда тутилган жазо тайинлашни сўраган.

Бундай ҳолда, апелляция инстанция суди адвокат томонидан шикоятда келтирилган вазини асосиз деб топади ҳамда уни рад қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанция суди судланувчи Д.Рахматуллаевнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракати биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, апелляция инстанция суди биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Д.Рахматуллаевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари, яъни унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи Ш.Исхакованинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир қилганини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланган модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни ҳамда ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида муқаддам тайинланиб, ўталмай қолган жазони тўлиқ қўшиш йўли билан Д.Рахматуллаевга озодликни чеклаш жазоси ва жарима жазосини тайинлаш ҳақида қонуний тўхтамга келган деб топади.

Бундай ҳолда, апелляция инстанция суди ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли



келтирилган шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанция суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2022 йил 28 июлдаги Рахматуллаев Даврон Равшанович (Rahmatullayev Davron Ravshanovich)га оид ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

С.Махаметов

Ҳайъат судьялари:

Х.Шамшиев

М.Тургунова

